



# Journal of Natural Sciences

№3  
(2021)

<http://natscience.jspi.uz>



<b><u>ТАХРИР ХАЙЪАТИ</u></b>	<b><u>ТАХРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ</u></b>
<p><b>Бош мухаррир –</b> У.О.Худанов т.ф.н., доц.</p> <p><b>Бош мухаррир ёрдамчиси-Д.К.Мурадова</b> PhD, доц.</p> <p><b>Масъул котиб-</b> Д.К.Мурадова</p>	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Худанов У – Табиий фанлар факултети декани, т.ф.н., доц.</li><li>2. Кодиров Т- к.ф.д, профессор</li><li>3. Абдурахмонов Э – к.ф.д., профессор</li><li>4. Султонов М-к.ф.д, доц</li><li>5. Рахмонкулов У-б.ф.д., проф.</li><li>6. Хакимов К –г.ф.н., доц.</li><li>7. Азимова Д- б.ф.н.</li><li>8. Мавлонов Х- б.ф.д., доц</li><li>9. Юнусова Зебо – к.ф.н., доц.</li><li>10. Гудалов М- фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD)</li><li>11. Мухаммедов О- г.ф.н., доц</li><li>12. Хамраева Н- фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD)</li><li>13. Рашидова К- фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц</li><li>14. Мурадова Д- фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD), доц</li></ol>
<p><b>Муассис-Жиззах давлат педагогика</b> институти</p>	
<p>Журнал 4 марта чиқарилади (хар чоракда)</p>	
<p>Журналда чоп этилган маълумотлар аниқлиги ва тўғрилиги учун муаллифлар масъул</p>	
<p>Журналдан кўчириб босилганда манбаа аниқ кўрсатилиши шарт</p>	

Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факултети

Табиий фанлар-Journal of Natural Sciences-электрон журнали

[/http://www.natscience.jspi.uz](http://www.natscience.jspi.uz)

ТАБИЙ ФАНЛАР ДАРСЛАРИДА ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ  
БЕРИШНИНГ АХАМИЯТИ

Ўразов Ш- Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчи

**Аннотация.** Мақолада табиий ўсимликлар дунёси, уларнинг фойдаси, бу бойликларни муҳофаза қилиш кераклиги ҳақидаги масалалар билан ёшларни мактаб партасидан кенг таништириб бориш натижадорлиги. Ҳамда экологиядан илмий тушунчалар мактабларда ўқитиладиган барча фанларда, айниқса, кимё, биология, физика, математика, география, тарих каби фанларни ўқитишусуллари таҳлил қилинди.

**Калит сўзлар:** экологик тарбия, Экосан, Авесто, концепция, гербитцид.

**Аннотация.** В статье рассматривается мир натуральных растений, их польза, эффективность просвещения молодежи за партой по вопросам, связанным с необходимостью защиты этих ресурсов. Кроме того, научные концепции экологии были проанализированы по всем предметам, преподаваемым в школах, особенно по химии, биологии, физике, математике, географии, истории.

**Ключевые слова :** экологическое образование Экосан, Авесто, концепция, гербитцид.

**Abstract:** The article examines the world of natural plants, their benefits, the effectiveness of educating young people at the desk on issues related to the need to protect these resources. In addition, the scientific concepts of ecology were analyzed in all subjects taught in schools, especially chemistry, biology, physics, mathematics, geography, history.

**Keywords:** ecological education Ecosan, Avesto, concept, herbicide.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида ер ва ер ости бойликларини, сув манбаларини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини кўриқлаш, бу бойликлардан илмий асосда, оқилна фойдаланиш, ҳаво ва сувни тоза сақлаш, табиий бойликларни узлуксиз кўпайтириб боришни таъминлаш, инсоннинг атроф-муҳитни яхшилаш учун чора ва тадбирлар кўриши зарурлиги таъкидланган.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни, «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши, шу номда Давлат дастури, «Экологик таълим тарбия концепцияси»нинг ишлаб чиқилиши, «Экосан» жамгармасининг тузилиши мамлакатда экологик муаммоларни бартараф этишга киришилганидан далолатдир.

Жамиятнинг иқтисодий ривожланиш даражаси канчалик юқори бўлса, унинг табиатга таъсир этиш даражаси ҳам шунчалик кўп бўлар экан. Аҳоли сонининг тез ўсиб бориши натижасида экологик муаммолар ҳам кўпайиб бормоқда. Ер бағридан ҳар йили 120 млрд. тоннадан ортиқ турли хилдаги хом ашё, қурилиш материаллари, ёқилгининг қазиб олиниши ва сарф қилиниши табиий бойликлар миқдорининг камайиб боришига сабаб бўлмоқда. Кўпгина зарарли корхоналар, заводларнинг ҳам оқар сувга яқин жойлашганиги сабабли сув ҳавзаларини тоза сақлаш муаммо бўлиб бораётир. Марказий Осиёда яшаётган фуқароларнинг саломатлиги ёмонлашиб, касалликлар кўпаймоқда. Ер қуррасида инсоннинг яшаб қолиш-қолмаслиги масаласи энди экологик муаммоларни ечишга боғлиқ бўлиб қолди.

Экологик муаммоларнинг илмий, иқтисодий, техник, гигиеник, юридик, эстетик, педагогик каби йўналишлари мавжуд. Бу йўналишлар ичидан педагогик йўналиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки экологик муаммолар инсон фаолияти натижасида келиб чиқади.

Табиий фанлар йўналишида ҳам экологик таълим ва тарбия бериш кўзда тутилади.

Экологик таълим деганда ўқувчиларга берилиши лозим бўлган табиат билан инсон орасидаги муносабатларни ифодаловчи билимлар тизими тушунилади.

Экологик тарбия эса инсоннинг атроф-муҳитга нисбатан муносабатини тарбиялашдир.

Экологик таълим-тарбия умумий таълим-тарбиянинг янги шакли ва таркибий қисми бўлиб, мактабда барча фанларни ўқитишда амалга оширилиши кўзда тутилади. Экологик таълим-тарбиядан бош мақсад ҳам ёш авлодга атроф-муҳит ва унинг муаммоларига онгли муносабатни шакллантиришдан иборатдир.

Экологик тарбиялаш жараёнида ёшларни яшаб турган табиатимиз бойликларини тежаб-тергашга, уни муҳофаза қилишга ўргата борилади.

Экологик тарбияда ўқувчиларни ўз мактабини; яшайдиган муҳити-шаҳар ва қишлоқ кўчаларини кўкаламзорлаштириш, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш, хиёбонларни, сув ҳавзаларини озода сақлаш, уй ҳайвонларига қараш каби ишларда кучи етганча қатнашишга жалб этиш катта аҳамиятга эга.

Экологик саводхонлик ва маданият, аввало, оиладан бошланади. экологик дуёнқарашни шакллантиришнинг негизи оиладаги тарбияга бевосита боғлиқдир. Агар бу масала оилада тўғри йўлга қўйилмаган бўлса, уни

мактабларда, кейинги таълим босқичларида ҳамда меҳнат жараёнларида қарор топтириш кийин бўлади.

Аждодларимиз бола тарбияси масаласига алоҳида эътибор билан қараганлар ва бу борада ибратли анъаналарни вужудга келтирганлар. Болалар гўдаклик чоғлариданоқ ахлоқий ва меҳнат тарбиясини оилада бошлаганлар. Уларда меҳнатга муҳаббат, атроф-муҳитга ҳурмат, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш хисси сабот билан сингдирилган. Масалан, атрофни ифлослантирмаслик учун ахлатларни алоҳида чуқурчаларга ташлаш; хожатхоналарни ариик, сой, булоқ сувларидан узокроқ жойда қовлаш; ёнгин чикмаслиги чорасини кўриш; турли эҳтиёжлар учун яшнаб турган дарахтда эмас, балки кўриб қолганларидан фойдаланиш; ниҳолларни синдириб, пайхон қилмаслик; қушларни уясини бузмаслик каби хатти-ҳаракатлар шакллантирилган. Оила даврасида фарзандларга «Сувга туфлама, уини ифлос қилма, Чунки барча жониворлар уни ичиб баҳра олади», "Гуллаб турган мевали дарахтнинг шохини синдирма, у мева беради, уни ўзинг истеъмол қиласан", деб панду-насихатлар қилганлар.

Масалан, ҳозир кўплаб одамлар молларини экинзорларда, богларда хатто мевали ва манзарали дарахтларга боглаб боқадиган бўлиб қолишмоқда. Ахир ўтмишда халқимиз қарамоғидаги ҳайвонларига махсус подачи сақлаган-ку. Бунинг устига ҳозиргидек ҳайвонларни дуч келган ерда эмас, алоҳида ажратиб қўйилган яйловларда ўтлатган ёки оилавий дам олишга чиқилганда ўт-ўланлар пайхон қилинмаган, қир-адирларда шиша синиқлари, овқат қолдиқлари ташлаб кетилмаган. Дарахтларга, ўсимликлар оламига, ҳайвонларга зарар келтирилмаган. Маълумки, инсон ақли унинг умумий ривожланишнинг дастлабки 3-4 йилида 50 фоизни, 4-8 йилида 30 фоизини, 8-17 йилда эса 20 фоизни ташқил қилади. Шунини ҳисобга олиб, экологик таълим-тарбияни; асосан, богча ва мактабларда амалга ошириш зарур.

Ўлкамизнинг табиий ўсимликлар дунёси, уларнинг фойдаси, бу бойликларни муҳофаза қилиш кераклиги ҳақидаги масалалар билан ёшларни мактаб партасидан кэнг таништириб бориш ўзининг самарасини беради. Бунда экологиядан илмий тушунчалар мактабларда ўқитиладиган барча фанларда, табиий фанлар физика, экология, математика, география, тарих каби фанларни ўқитишда умумлаштирилади. Шу билан бирга факультетив машгулотларда, дарсдан ташқари тўғарак йигилишларида, экскурсия даврида ҳамда ўзларининг кундалик фаолиятлари давомида экологик муаммоларни ўргана борадилар.

Табиий фанларни ўқитишда ўқувчиларга табиатни муҳофаза қилиш, унинг бойликларидан оқилона фойдаланишга оид бериладиган билим, кўникма, малакаларини шакллантириш ўқитишда қўйилган мақсад ва вазифаларга мос равишда ҳамда танланган экологик материаллар мазмуни мавзу мазмунига мос ҳолда танлаб олинишига эътибор қилинади.

Экологик тарбия беришга тайёрлашнинг мазмуни қуйидагиларни ўз ичига олади:

-Атроф муҳит ва унинг шахс маънавий дунёсига таъсири;

-Табиат ва унинг аҳамиятини аниқлаш;

-Табиатга муҳаббатни ривожлантиришда мактаб ва оилани ҳамкорлиги;

-Ўз туманини, шаҳарини, қишлоқ ва мактаб ховлисини, кўкаламзорлаштиришда, хатто, синф хонасидаги ўсимликларни ҳам парваришлашга қизиқишларини ошириш;

-Атроф-муҳит муҳофазаси, бунда болаларнинг вазифалари;

-Табиатни муҳофаза қилишда ота-оналарини намуналари;

-Оиладаги, мактабдаги тарбияни, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини эъзозлашга ўргатиш, жонивор ва қушларни парвариш қилиш;

-Табиатга онгли муносабат жараёнида ўқувчиларнинг дунёқарашини кэнгайтириш;

-Ёшларнинг экология тарбиялашда миллий анъана ва удумларни қайта тиклаш, уларга эътиборни кучайтириш;

Болаларда экология хусусидаги тасавурларни кэнгайтиришда тарих фанининг имконияти катта. Бундан беш юз йил, минг йил аввал ўлкамиз табиати қандай бўлмаган, ўсимликлар ва ҳайвонот оламини, унинг экологияси-чи каби саволларга тарих фанидан жавоб топиш мумкин.

Мактабда ўқувчиларга табиатни муҳофаза қилишга доир билим тарбияни география дарсларида ҳар бир мавзуга боғлаб бериб бориш мумкин.

Экология ва табиатни муҳофаза қилиш дарсларида жой номларидан фойдаланиш она тили бўйича машгулотларни янада қизиқарли қилади. Она тили дарсларидаги кўплаб машқлар ўқувчиларда табиатга меҳр уйғотишда кўл келади. Машқлардаги сув ва ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонот оламига тааллуқли фикрлар ифодаланган матнларни таҳлил қилиш орқали ҳам табиатга меҳр уйғотиш мумкин.

Адабиёт фани ҳам экология билан чамбарчас боғланган. Бунда ҳар бир асарни ўқиб таҳлил қилиш вақтида ва ўқувчига тушунтираётганда фақат безаш нуқтаи назаридан эмас, яъни табиатни муҳофаза қилиш нуқтаи

назаридан таҳлил қилинади. Мана шу усул билан адабиёт дарсларида ҳам ўқувчилар онгига экологик тарбияни сингдириб борилади. Шунингдек, 5-11 синфларда "Табиатни асраш-Ватанни асраш", "Табиатни эъзозлайлик" каби мавзуларда турли бахс ва шеърхонлик кечалари уюштириш орқали ҳам экологик тарбияни амалга ошириш мумкин. Адабиёт фанида ўқитилаётган халқ огзаки ижоди мисолида эса ўқувчилар аждодларимизнинг экология хатолари нимадан иборатлигини ҳамда бу соҳада уларнинг қандай ибратли ишлари борлигини ўрганадилар. Ўқувчиларга айтиладиган эртакларда ҳайвонлар ва ўсимликларнинг хусусиятлари, уларнинг табиатдаги ўрни очиқ берилди. Ўқилган бадиий асарлар мисолида, ўтказилган суҳбатларда табиатга яхши муносабатда бўлиш ва тошбағирлик билан қараш далиллари муҳокама қилинади.

Ўқитувчининг болаларга экологик таълим ва тарбия беришида халқимизнинг ўзига хос миллий тарбиясидан ўринли фойдаланиши яхши самара беради. Миллий тарбиямизда тўрт нарса-ер, сув, тупроқ, ҳаво муқаддас ҳисобланган. Халқимиз жуда қадим замонлардан сувга эътиқод қўйиб, ёзнинг энг жазирама кунларида "Сув сайли" ўтказган. Ота-боболаримиз "Сув табиат инъоми, ҳаёт манбаи" деб, -бежиз айтишмаган, ҳар томчи сувни гавҳардек қадрлаб, бог-роғлар яратишган. Биз эса сувдан хўжасизларча фойдаланишимиз натижасида орол муаммосининг тугилишига сабабчи бўлдик. Сирдарё ва Амударёнинг белгиланган ерга тўла етиб бормаслиги натижасида бугун Ўрта Осиё учун аҳамиятли бўлган оролнинг бутунлай йўқолиш ҳавфи бўлди.

Маълумки, ер юзининг тўртдаи уч қисми сув билан қопланган. Аммо 2,5 фоизи яқин чучук сув бор холос. Демак, ичимлик сувидан ҳам тежаб-тергаб фойдаланиш керак.

Тупроқ ҳам инсоният бойлигидир. Аждодларимиз ўрмонларни кесилиши, тупроқ емирилишининг кучайишига, ер ости ва ер усти сувларнинг камайишига, иқлимнинг ўзгаришига, ҳайвонларнинг йўқолишига олиб келишини аниқлаганлар. Шунинг учун ҳам табиатга юксак меҳр ва эҳтиром кўрсатганлар. Асрлар давомида ёш авлодни сувга тупурма, нонни босма кўзингга сурт, дарахтни синдирма, қушларга озор берма деб, тарбиялаб келдилар. Ўз қарашларини халқ огзаки ижоди орқали ифодадилар. Масалан, мақолаларда ер, ер ости бойликлари, сув, ҳайвонот олами, қушлар ўсимликлар ва бошқа табиат бойликларини чуқур мазмунли сатрларда таърифлади. Ҳатто олдинлари фарзанд дунёга келса, унга атаб, яхши умидлар билан кўчатлар ўтказганлар. Донишмандлик дурдонаси ҳисобланган ҳадислар таълим-тарбияни

сингдиришга катта ёрдам беради. Табиатни муҳофаза қилиш ҳақида ҳадисларда ҳам диққатга сазовор фикрлар айтилган. Масалан, "Соясидан халқ фойдаланиб турган дарахтни кесиб юборган одамни тангри дўзахга маҳкум этур", деб инсонларни кўрқитиш орқали табиатга зарар келтирмаслик тарғиб қилинса, "Дехқончилик билан шугулланинглари, деҳқончилик муборак касбдир. Унга кўриқчиларни кўпайтиринглари" дейиши билан халол меҳнат самарасини кўриш зарурлигини уқтирилади. Қайси бир мусулмон экин экса, ёки бирор дарахт ўтқазса, сўнг унинг мевасидан қуш ёки ҳайвон эса, унинг экинидан ейилган нарсанинг ҳар биридан унга садқа савоби ёзилади» - деб бағри кэнглик, жонзотларни асраш зарурлиги гоёси улугланади. "Экмоқ ниятида кўлингизда кўчат турган пайтда, беҳосдан қиёматқоим бўлиши аниқ бўлганида ҳам улгурсангиз, уни экиб кўяверинг", "Ким сув тошқинини тўхтатса ёки ёнгини ўчирса, унга шаҳидлик ажри берилади" каби ҳадисларда экология ва табиат муҳофазасига оид тушунчалар берилади.

Демак, ота-боболаримиз азал-азалдан табитага юксак меҳр ва эҳтиром кўрсатишган. Юртни обод этишган, кўчатларни, ховлиларни саришта сақлашган. Халқимизнинг табиатга муносабати уруғ қадаш, қовун сайли, сув сайли, узум сайли, ҳосил байрами, наврўз байрами, хирмон тўйи каби байрамларида ҳам ифодаланган. Бундай табиат байрамлари уларнинг ҳаёт тарзига айланиб кетган.

*Бу муқаддас заминни* - бу диёрни обод этиш, унинг атроф-муҳитини тоза сақлаш Шу мамлакат ҳар бир фуқаросининг инсоний бурчидир. Ободончилик ва орасталик, покизалик ва тежамкорлик, хушхулқлик ва хушмуомалалик ҳар бир инсон учун, хусусан, педагоглар ва ўқитувчилар учун ҳам экологик маънавий мезондир, ўқувчилар экологик тарбия ишлари жараёнида қуйидагиларни билишлари зарур:

-Табиат ҳақида тушунча, табиий муҳит, табиий омиллар ва улар орасидаги боғланиш;

-Табиат бойликларидан тежаб-тергаб фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш;

-Атроф-муҳитни ифлосланишдан сақлаш;

-Табиатни келажак авлодлар учун табиий ҳолда қолдиришга интилиш. Юқоридаги омиллар асосида экологик тарбиялаш ўқувчиларда табиатни мунтазам кузатиб боришга қизиқишни уйғотади, табиатни ҳимоя қилиш учун курашишга, унинг гўзаллигини асраб-авайлашга олиб келади. Табиатга муҳаббатни ва унга эҳтиёткорлик ҳиссини тарбиялаш шахсда ахлоқий белгиларни ривожлантиришга ёрдам беради.



Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаева Ш.А., Ахатова Д.А., Собиров Б.Б. “Педагогика” Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «ФАН» нашриёти Тошкент – 2004
2. Авлиякулов Н.Х. Мусаева Н. Н. Педагогик технология Олий ўқув юртлари учун дарслик -Т. 2007й.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонуни.
4. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. Қарши. Насаф. 2000 й